

## I. САНОАТ


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2021 йил 1 апрель ҳолатига фаолият юритаётган саноат корхоналари сони 3 275 тага етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 226 тага ёки 8,8 фоиз ошган.

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятимизда 283 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, уларнинг 17,0 фоизи Хатирчи тумани, 13,8 фоизи Навоий шаҳри, 13,8 фоизи Кармана тумани ҳиссаларига тўғри келди.


### 2021 йил 1 апрель ҳолатига шаҳар ва туманлар кесимида фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирликда

	фаолият юритаётган	шундан,		2021 йил январь-март ойларида ташкил этилган
		йирик корхоналар	Кичик бизнес	
<b>Жами</b>	<b>3 275</b>	<b>29</b>	<b>3 241</b>	<b>283</b>
Навоий	720	16	704	39
Зарафшон	286	1	281	34
Кармана	554	6	548	39
Конимех	107	-	107	6
Қизилтепа	362	2	360	25
Навбахор	203	2	200	17
Нурота	359	1	358	34
Томди	62	-	62	11
Учкудук	218	-	218	30
Хатирчи	404	1	403	48

**Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик**  
(2021 йил 1 апрель ҳолатига)



**Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик**  
(2021 йил январь-март)



2021 йил январь-март ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 16 676,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан физик ҳажм индекси (ўсиш суръати) 109,3 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 815,9 млрд. сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2020 йил январь-мартга нисбатан 103,7 фоизни ташкил этди.


Жумладан, 325,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво, 490,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2020 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 111,9 фоиз ва 98,9 фоиз) ишлаб чиқарилди.

**2021 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>физик ҳажм индекси (ўсиш суръати, % да)</i>
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>16 676,1</b>	<b>109,3</b>
<b>Тоғ - кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>1 777,6</b>	<b>110,5</b>
<i>улардан:</i>		
Металл рудаларини қазиб олиш	1 764,2	110,1
Бошқа турдаги тоғ-кон саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	13,3	143,0
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>13 934,0</b>	<b>109,9</b>
<i>ундан:</i>		
Озиқ - овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	349,7	107,4
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	512,8	113,3
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	23,5	90,4
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1,8	89,2
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,1	89,6
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	1 127,4	165,3
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	-	-
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	593,3	108,0
Металлургия саноати	11 071,4	106,8
Машина ва ускуналардан ташқари, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	56,4	116,9
Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	56,6	93,0
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	36,8	269,4

	<i>млрд. сўм</i>	<i>физик ҳажм индекси (ўсиш суръати, % да)</i>
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	43,1	445,3
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	57,4	50,0
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	0,1	98,0
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	3,6	110,1
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>829,7</b>	<b>83,8</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>134,8</b>	<b>609,4</b>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>815,9</b>	<b>103,7</b>
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	325,5	111,9
ноозик-овқат товарлари	490,4	98,9

**Январь-март ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**  
(*жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, % да*)



## Январь-март ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми

Истеъмол товарлари  
815,9 млрд. сўм

Озиқ-овқат маҳсулотлари  
325,5 млрд. сўм



Ноозиқ-овқат маҳсулотлари  
490,4 млрд. сўм

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2021 йил январь- март	Ўсиш суръати, % да
<b>Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>			
Чакиқ тош ( <i>шебень</i> )	<i>тн</i>	2 281,0	51,5
<b>Қайта ишлаш саноати</b>			
Сульфат аммония	<i>минг. тн. азотга</i>	0,8	96,6
Натрий гидроксиди ( <i>каустик сода</i> )	<i>минг. тн</i>	26,4	200,8
Кальций хлорид	<i>минг. тн</i>	0,8	26,4
Аммоний нитрат ( <i>аммонийли селитра</i> )	<i>минг. тн. азота</i>	59,0	125,0
Суперфосфатлар	<i>минг.тн</i>	0,6	67,5

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2021 йил январь- март</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>
<i>P205</i>			
Тозаланмаган пахта ёғи	<i>тн</i>	2 119,0	177,9
Портландцемент	<i>тн</i>	913 000,0	114,4
Цемент клинкерлари	<i>тн</i>	797 775,0	122,3
Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	<i>тн</i>	26 251,5	4,6м.
Цемент, бетон ёки сунъий тошдан қурилиш учун ғишт ва блоклар	<i>тн</i>	3 091,6	2,3м.
Пластмассадан қаттиқ қувурлар, трубкалар ва шланглар	<i>тн</i>	1 287,3	99,7
Биогаз қурилмаларида ишлаб чиқарилган суюқ биоўғитлар	<i>тн</i>	174,9	100
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	<i>минг.тн</i>	15,9	91,6
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г ( <i>буханка</i> )	<i>тн</i>	112,3	94,4
Бошқа гуруҳларга киритилмаган, қурилиш конструкцияларида ишлатиладиган алюминийдан тайёрланган бошқа конструкциялар ва конструкция қисмлари, плиталар, чивиклар, бурчаклар, профиллар ва шу каби буюмлар	<i>тн</i>	8 928,6	138,0
Пишлоқлар ва творог	<i>тн</i>	23,8	99,2
Бошқа гуруҳларга киритилмаган, таркибида асал, тухум, пишлоқ ёки мевалар бўлмаган узоқ сақланмайдиган бошқа нон маҳсулотлари	<i>тн</i>	186,2	133,3
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	<i>тн</i>	8148,6	116,2

### **Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари**

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2021 йил

Январь-март ойларида 434,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

	<i>2019 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март</i>
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	121	41
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	56	20
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млн. сўм</i>	434 834,9	28 618,9
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>минг. АҚШ долл.</i>	7 983,1	-
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	42	41

**2021 йил январь-март ойлари якунлари бўйича ҳудудлар кесимида саноат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

	<i>Саноат маҳсулотлари</i>		<i>Истеъмол маҳсулотлари</i>		<i>Жами саноатдаги кичик бизнес улуши, % да</i>
	<i>млрд. сўм</i>	<i>физик ҳажм индекси (ўсиш суръати, % да)</i>	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, % да</i>	
<b>Жами</b>	<b>16 676,1</b>	<b>109,3</b>	<b>815,9</b>	<b>103,7</b>	<b>5,1</b>
Навоий ш.	14 295,8	109,1	251,8	101,7	1,4
Зарафшон ш.	69,4	105,2	55,5	124,8	99,2
Кармана	1 602,4	100,7	163,7	101,2	13,3
Конимех	20,6	100,2	18,6	83,1	100,0
Қизилтепа	131,4	106,7	102,1	116,3	68,3
Навбаҳор	173,3	113,3	56,8	100,7	34,0

	<i>Саноат маҳсулоти</i>		<i>Истеъмол маҳсулотлари</i>		<i>Жами саноатдаги кичик бизнес улуши, % да</i>
	<i>млрд. сўм</i>	<i>физик ҳажм индекси (ўсиш суръати,) % да</i>	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, % да</i>	
Нурота	59,8	104,1	48,7	100,5	97,8
Томди	7,7	103,4	7,1	100,4	100,0
Учкудук	39,5	110,2	17,9	100,4	100,0
Хатирчи	276,2	110,2	93,7	100,3	34,9

Саноат ишлаб чиқариш физик ҳажм индексининг вилоят кўрсаткичидан юқори, Навбаҳор туманида (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 113,3 %), Хатирчи туманида (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 110,2 %) ҳамда Учкудук туманига (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 110,2 %) саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари физик ҳажм индексининг сезиларли даражада ошганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш Зарафшон шаҳрида (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 124,8 %), Қизилтепа туманида (116,3 %), Навоий шаҳрида (101,7 %) ҳамда Кармана туманида (101,2 %) сезиларли даражада ошди.



**Саноат ишлаб чиқариш  
физик ҳажм индекси, % да**

**Истеъмол маҳсулотлари  
ишлаб чиқаришда ўсиш  
суръати, % да**




**2021 йил январь-март ойлари якунлари бўйича ҳудудлар кесимида  
аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмол  
моллари ишлаб чиқариш**


	Саноат маҳсулотлари, минг сўм		Халқ истеъмол моллари, минг сўм	
	2020	2021	2020	2021
<b>Жами</b>	<b>12 875,3</b>	<b>16 424,1</b>	<b>711,6</b>	<b>803,6</b>
Навоий ш.	74 051,6	97 097,4	1 609,4	1 710,5
Зарафшон ш.	567,7	815,7	460,7	653,0
Кармана	12 474,1	12 459,4	837,5	1 273,1
Конимех	573,1	569,2	451,9	512,2
Қизилтепа	718,5	852,5	565,7	662
Навбахор	962,2	1 508,2	437,4	494,5

	Саноат маҳсулотлари, минг сўм		Халқ истеъмол моллари, минг сўм	
	2020	2021	2020	2021
Нурота	570	636	578,9	517,8
Томди	464,7	505,2	467,6	465,9
Учкудук	464,2	1 046,1	565,5	473,3
Хатирчи	1 145,2	1 366,2	508,3	463,7

**2021 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар кесимида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, минг сўм**



**2021 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар кесимида аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, минг сўм**



2021 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар кесимида аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми Навоий шаҳрига (1 710,5 минг сўм), Кармана туманига (1 273,1 минг сўм), Қизилтепа туманига (662,0 минг сўм), Зарафшон шаҳрига (653,0 минг сўм), Нурота туманига (517,8 минг сўм) ва Конимех туманига (512,2 минг сўм) тўғри келади.

Ҳисобот даврида **хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар** томонидан 343,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.



Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 2,6 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 2,1 фоизни ташкил этди.

	Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш		шу жумладан, Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда		
	млрд. сўм	Физик ҳажм индекси (ўсиш суръати), % да	млрд. сўм	Ўсиш суръати, % да	Улуши, % да
<b>Жами</b>	<b>16 676,1</b>	<b>109,3</b>	<b>343,7</b>	<b>-</b>	<b>2,1</b>
Навоий ш.	14 295,8	109,1	44,4	-	0,3
Зарафшон ш.	69,4	105,2	4,0	-	5,7
Кармана	1 602,4	100,7	109,4	-	6,8
Конимех	20,6	100,2	0,3	-	1,7
Қизилтепа	131,4	106,7	2,4	-	1,8
Навбаҳор	173,3	113,3	1,9	-	1,1
Нурота	59,8	104,1	1,2	-	2,0
Томди	7,7	103,4	-	-	-
Учкудук	39,5	110,2	0,2	-	0,6
Хатирчи	276,2	110,2	179,9	-	65,1

**Саноат маҳсулотлари ҳажмида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улуши, % да**


2020 йил январь-март

2021 йил январь-март



- Вилоятнинг бошқа корхоналари
- Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар


**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, % да**



## Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнесни ҳиссаси

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 849,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ҳисобот даврида кичик корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 5,1 % ни ташкил этди.

### Кичик бизнес ишлаб чиқарган саноат маҳсулотлар ҳажми, млрд. сўм



### 2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да



Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Учқудуқ туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100 %), Томди (100,0 %), Конимех (100,0 %), Зарафшон шаҳри(99,2 %), Нурота (97,8 %), Қизилтепа (68,3 %) , Хатирчи (34,9 %), Навбахор (34,0 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичик улуш Навоий шаҳрида (1,4 %), Кармана туманида(13,3 %) кузатилди.

### Статистик кўрсаткичларга тушунтириш

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми** – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, ўзининг носаноат бўлинмаларига ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади; ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тусидаги ишлар (хизматлар);

**Саноат ишлаб чиқаришида ўзгариш индекслари** – солиштирма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир;

**Истеъмол моллари** – асосан шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган саноат маҳсулотлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (ҚҚС ва акцизлар бундан мустасно) ҳисоблаб чиқилади;

**Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариш ҳажми** – бошқа корхоналарга жўнатиш учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот;

**Маҳаллийлаштириш даражаси** – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди;

**Маҳсулот сотиш ҳажми** – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва акциялар бундан мустасно);